



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 30 октябрь, № 212 (5886)

Чоршанба

## МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР, АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.



Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 февралдаги

“2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди.

Унда

# 1300

дан ортиқ

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган қўллаб-қувватланган ва замонавий маҳсулотлар намойиш қилинмоқда.



Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорларга ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, улар томонидан

тайёрланаётган маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш учун келишувга эришишда кўмаклашишдан иборатдир.

Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида изчил амал-

га оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодий таъминнинг барча тармоқларида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошгани ана шундан далолат беради.

Бунда корхоналар модернизация қилиниб, техник ва технология жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этаяпти.

Эътиборлиси, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, ҳатто Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси сингари нуфузли ташкилотлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Қисқа сатрларда

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Тошкент метрополитенида хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағиш-

ланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар Тошкент метрополитенида хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғибчилари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги “Маънавият ва маърифат” марказида интернетнинг имкониятлари ва таълим тараққиётидаги ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғибчилари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари иштирок этди.

● Фарғона шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама-сига оид тадбирда вилоят ҳокимлиги, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва сав-

до бошқармаси мутасаддилари ва иштирокчилар аҳоли бандлигини таъминлашда ҳамда ички истеъмол бозорини тўлдираришда ушбу тармоқни янада юксалтириш истиқболлари ҳусусида сўз юритилди.

● Янгиқўрғон туманида узумчиликни ривожлантириш мавзусидаги амалий семинарда фермер ва деҳқон хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар қатнашди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда узумчилик равнақига қаратилган эътибор юксак самара бераётгани эътироф этилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасидаги “Менинг ўлкам — менинг фахрим” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб

ўтди. 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида совринли ўринларни Нукусдаги 12-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари эгаллади. Биринчи ўринни Мапруза Ҳозирова олган бўлса, иккинчи ўрин Гулзода Ролановага, учинчи ўрин Дарья Тенга насиб этди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ВЕНГРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Республикаси Миллий мажлиси раиси Ласло Кёвер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишлар, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палаталари парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонунчилик тизимини такомил-

лаштириш, замон талаблари ва демократия тамойилларига мос янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётгани қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чикарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг бошқа бир қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон «OIC World Biz — 2013» халқаро кўргазмасида

Малайзия пойтахтида бўлиб ўтган “OIC World Biz — 2013” IV халқаро иқтисодий кўргазмасида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Мазкур анжуманда Малайзия ва хоризмнинг ахборот технологиялари ҳамда юқори технологиялар, дастурлар ускуналари ва хавфсизлик воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниялари ва таълим, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати соҳалари вакиллари қатнашди.

Кўргазманинг Ўзбекистон экспозициясидан озиқ-овқат саноати, халқ ижодиёти ва амалий санъати намуналари ҳамда бошқа миллий маҳсулотлар жой олди. Малайзиянинг етакчи компаниялари кўргазмада намойиш этилган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида, айниқса, серкўш ўлкамизнинг қурилган мевалари-

га алоҳида қизиқиш билдиришди.

Халқаро савдо маркази ҳамда “OIC Today” журна-ли бош ижрочи директори Рожа Мухаммад Абдулла Ўзбекистон экспозицияси кўргазмада ўзининг ёрқинлиги ва намойиш этилган маҳсулотларнинг ранг-баранглиги билан алоҳида аж-рალიб турганини қайд этди.

— Ушбу тақдимот ҳам кўргазма иштирокчиларига Ўзбекистонни яқиндан та-ништириш учун яхши мин-бар бўлди, — деди у. — Ўзаро манфаатли шериклик муносабатларимизни янада

кенгайтиришга хизмат қиладиган бундай тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

“Magical Era Sdn Bhd” (ME) компаниялар гуруҳи ижрочи директори Балжиндер Сингх кўргазмада Ўзбекистон томонидан тақдим этилган маҳсулотлар сифати ва жозибаси билан алоҳида ажралиб турганини таъкидлади. У ўз компанияси мамлакатимиздан сифатли кишимини импорт қилиш масаласи устида иш олиб бораётганини айтиб ўтди.

(Давоми 3-бетда).



ДИЛ СЎЗИ

Фермерлигимдан, шу юрт истиқбол учун, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан беҳад қувондим. Ўзим асли хуққуқносман, деҳқон фарзанди бўлганим, қолаверса, юртимизда қишлоқ мулк-

## Қалбимиз гурур ва ифтихорга тўлди

Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табригини ўқиб, очиги, жуда тўқинлаиб кетдим. Унда бир қатор илғор фермерлар қаторида бизнинг хўжалигимиз номи ҳам алоҳида тилга олингани қалбимизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

дорларига берилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли бундан саккиз йил аввал фермерлиқни йўлга қўйган эдим. Утган вақт мобайнида шунга ишонч ҳосил қилдимки, пахтачиликнинг меҳнати мураккаб

бўлиш баробарида, деҳқон учун ўзига хос сурури, ҳузур ҳам бор экан. Дейлик, эккан чигитингиз бир текис униб чиққанда бир ҳузурлан-сангиз, илк чаноқ очилганда яна бир севиносиз. Шукри, фермер

хўжалигимизда ана шундай қувончли дамлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 57 центнердан пахта ҳосили олган эдик. Имкониятларимизни чамалаб кўрсак, бу кўрсаткични янада оширсак бўларкан. Бунинг учун мавжуд майдонга чигит экиннинг қўшқатор усулини танладик. Бу усул, аввало, одатдигидан қарийб икки баробар кўп кўчат олиш имконини яратиб,

экинга ишлов бериш ва озиклантириш самарадорлигини ҳам сезилтириш даражада оширади. Энг муҳими, чигит ўз вақтида беҳато ундириб олинади. Натижада ҳосилдорлиқни жорий йилда 62 центнерга етказдик. Бу йил туманимиздаги “Худойкул ўғли Сулаймон” ва “Исламбек Бехрўз” фермер хўжаликлари ҳам ана шу усулни қўллаб, юқори кўрсаткичларга эришди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш жорий йилнинг тўққиз ойида макроиқтисодий мувозанатни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлашда муҳим омил бўлди.

### I. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлиқни сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш

2013 йилнинг январь — сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ўсди. Бунга, аввало, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш бўйича саноат ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ва таркибини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда яхлит йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини яратишга қаратилган ўрта муддатли комплекс дастурларни амалга ошириш ҳисобидан эришилди.

Иқтисодиётдаги ижобий ўсиш суръатлари макроиқтисодий мувозанат чоралари билан қўллаб-қувватланди. Бу инфляция даражасининг пастлиги, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицити ва ташқи савдо балансининг ижобий сальдосини (1 миллиард доллардан зиёд) таъминлади.

Худудлар саноат салоҳиятини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш билан бир қаторда, саноат ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари саноатнинг 9,4 фоизга ўсишига хизмат қилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ва инфратузилмасини мустаҳкамлаш, интенсив агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган қувватларни кенгайтириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 6,8 фоизга кўпайишини таъминлаш имконини берди.

Муҳим ишлаб чиқариш ва инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни тезлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хоризжий инвестицияларни жалб этиш ҳажмининг кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сисъатининг амалга оширилиши капитал қўйилмалар юқори ўсиш суръатини 12,5 ва қурилиш ишларини 19,2 фоизга оширишни таъминлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол талабини рағбатлантириш, иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли жами реал даромадларининг 15,9 фоизга барқарор ўсишида ўз ифодасини топди. Бу эса, ўз навбатида, чакана савдо айланмасини 14,7 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг 13 фоизга ва аҳолининг тижорат банклари депозитларидаги омонатларини 1,3 бараварга ошириш имконини берди.

2013 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2012 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	109,4
Истеъмол товарлари	115,9
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,8
Қурилиш ишлари ҳажми	119,2
Чакана савдо айланмаси	114,7
Пуллик хизматлар	113,0
Жами хизматлар	112,4

### II. Ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини техник ва технологик янгиллаш, модернизациялашни жадаллаштириш ҳамда унинг қўламини кенгайтириш

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш ҳамда диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, истеъмол товарлари, маҳаллийлаштирилаётган ва экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш, корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда рақобат муҳитини шакллантиришга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат тармоқларида таркибий туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).



ЖАҲОН

24 соат ичида

Шу кунларда Европанинг бир қатор давлатларида сўнгги ўн йилликдаги энг кучли довул кузатишмоқда.

Европада кучли довул



Дастлаб Буюк Британия хуудига ёпирилиб келган табиий офат мамлакатнинг транспорт-коммуникация тизими фаолиятини издан чикарди.

вақтинча тўхтатилди. Лондоннинг "Хитроу" ҳалқаро аэропортида 130 дан зиёд парвоз бекор қилинди.

«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига кўра, ҳозирга қадар "кўхна қитъа"да 13 киши табиий офат курбонига айланган.

Даромади кўпайди

Жорий йилнинг учинчи чораги АҚШнинг "Boeing" авиаконцерни учун муваффақиятли яқунланди.



Ушбу даврда компания қарийб 22,13 миллиард доллар миқдорда даромад кўрган.

Яна бандлик муаммоси

Ўтган ойда Франция меҳнат биржаларига яна 60 минг киши иш сўраб мурожаат қилган.



Кондаги фалокат

Испаниянинг Кастилия вилоятидаги кўмир конларидан бирида олти нафар ишчи метан газидан захарланиб, ҳаётдан кўз юмди.



Шунингдек, беш киши жарахатланди. "Евроноэс" телеканали хабарига айтилишича, қончилар қазиб ишлари олиб бораётган ҳудуд яқинида катта ҳажмдаги метан газ захираси бўлган.

Тадқиқотчилар фикри

Илон захридан саратон хасталигига қарши дори тайёрлаш мумкин экан.



Буни Мексиканинг Агуаскальентес штати университет олимлари аниқлашди.

Тош парчасида

куш панжаси

Австралияда 105 миллион йил аввал яшаган қушнинг панжа излари муҳрланиб қолган тош парчаси топилди.

Унга палеонтологлар Мельбурн шаҳри чеккасида бўр даврига оид динозавр қолдиқларини ўрганиш чоғида дуч келдилар. Аниқланган жисм қарқаранинг панжаси экан.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси «Ўнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ махсус кийим сотиб олиш бўйича 08/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ 2014 йили катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун талабгорларнинг куйидаги ихтисосликлар бўйича қабулини эълон қилади:

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

САНОАТ КОРХОНАСИ 4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини доимий ишга таклиф қилади.

Ўзбекистон «OIC World Biz — 2013» халқаро кўргазмасида Экваторнинг Малайзиядаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Лоурдес Пума ушбу кўргазма ўзининг мамлакатимиз, ўзбек халқи маданияти ва анъаналари ҳақидаги тасаввурларини янада бойитганини маълум қилар экан, халқимиз ижодиёти ва амалий санъати намуналарига махлиё бўлганини билдирди.

Ижодкор ёшлар доимий эътиборда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" V Республика ёш ижодкорлар семинари бошланди.

ШАМХЎРЛИК Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий адабиётимизни янада раванк топшириш, халқимизнинг ардоқли ёзувчи ва шоирларининг иходини кенг ўрганишига оид эзгу ишлар маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим қисми эканини таъкидладилар.

Хабар ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 19 ОКТЯБРДАН 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 18 ноябрь соат 18.00.

# Спорт



**Шу кунларда**  
Малайзия пойтахти  
Куала-Лумпур шаҳри-  
да паралимпия спорт  
турлари бўйича ўсмир-  
лар ўртасидаги  
ПараОсиё ўйинлари  
бўлиб ўтмоқда.

## Паралимпиячиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда

Қитъамизнинг 40 дан ортиқ давлатидан 2500 нафарга яқин атлет иштирок этаётган мазкур мусобақада вакилларимиз дзюдо, енгил атлетика, пауэрлифтинг ва сузши каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишяпти.

Эътиборга молик жиҳати, ПараОсиё ўйинларининг дастлабки кунларида терма жамоамиз аъзолари тўртта олтин ва битта кумуш медални кўлга киритди. Хусусан, дзюдочиларимиз Шухрат

Бафоев (60 кг.) ҳамда Нурбек Бердиёров (66 кг.) ўз вази тоифасида ғолибликка эришди.

Енгил атлетикачилар баҳсида Илхомжон Рихсибоев мислсиз матонат кўрсатиб, бир йўла иккита олтин медалга сазовор бўлди. У найза ва диск уқуштириш бўйича энг яхши натижани қайд этди.

Ўз метрга югуриш баҳсида эса Фаррух Мирзакулов маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медал билан тақдирланди.

## Тенг келадигани топилмади

Эркин кураш бўйича Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда икки нафар ҳамюртимиз совриндорлар сафидан жой олди.



Жумладан, вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Ихтиёр Наврўзов Россия, Беларусь ва Қозоғистон вакилларини мағлубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди.

Яна бир спортчимиз Муҳаммадсидиқ Жўраев эса (-60 кг.) бронза медалига сазовор бўлди.

## Ҳамюртимиз халқаро турнир ғолиби

Мамлакатимизнинг кучли ракетка устала-ридан бири Фаррух Дўстов Қозон шаҳрида ташкил этилган Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) тақвимидан жой олган «Челленжер» туркумидаги халқаро турнирда бош совринни кўлга киритди.



миз финалга қадр Ричард Музаев/ Владимир Поляков (Россия), Антал Ван дер Дуйм/Бой Вестерхоф (Нидерландия), Андрей Голубев/ Александр Недовесов (Қозоғистон/Украина)ни енгди. Ҳал қилувчи бахса эса ушбу жуфтлик беларуслик теннисчилар Егор Герасимов ва Дмитрий Жирмонгга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Фазлиддин АБИЛОВ  
тайёрлади.

## Янги мажмуа

Томди туманининг «Керизбулоқ» овул фуқаролар йиғини ҳудуддаги 5-умумтаълим мактабида Болалар спортини ривожлантириш жағмағасининг 364 миллион сўмлик маблағи эвазига янги спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Бу ерда 80 нафардан зиёд ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлди, — дейди 5-умумтаълим мактаби директори Мадий Бесенов. — Улар бундай эътибор ва ғамхўрликларга келажакда турли мусобақаларда эришган ютуқлари билан жавоб қайтаришига ишончман.

Айни пайтда овул ёшлари янги мажмуада спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, қўл түпи турлари бўйича машғулотларда иштирок этишяпти.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ТУРИЗМ

Яқинда «Ипак йўлидаги туризм» ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси зўр муваффақият билан ўтказилди. «Ўзбекитуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмағида ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда мамлакатимизнинг туризм салоҳияти кенг намойиш қилинди.

# Буюк Ипак йўлидаги жавоҳир

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган юртимиз дунё сайёҳлари эътиборини йилдан-йилга кўпроқ жалб этмоқда. Бу, Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона индустрияси, транспорт-коммуникация тизими, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини замон талаблари даражасида такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

— Хоразм воҳаси ҳам ўзининг кўп асрлик тарихи, бебаҳо маданий мероси билан жаҳонга маълуму машҳур, — дейди «Ўзбекитуризм» Миллий компанияси Хоразм вилояти минтақавий бўлими раҳбари Одилбек Раҳимов. — Бугунги кунда вилоятда сайёҳликини, айниқса, ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг шу йил 20 мартдаги «2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш



Хорижлик сайёҳлар Хоразм воҳасига ана шундай таъриф беришади

дастури тўғрисида»ги қарори муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган. Ушбу ҳужжатларда соҳа инфратузилмасини янада яхшилаш, миллий туристик хизматларни ички ва халқаро сайёҳлик бозорларига тақлиф этиш, сайёҳлик объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантириш, малака кадрлар тайёрлаш каби ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Вилоятда туризмни ривожлантириш дастурига асосан, 2013 — 2015 йилларда жами 173,5 мил-

лиард сўмлик 192 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур доирасида 27 та меҳмонхона янгидан қурилади, 3 та бино меҳмонхонага айлантирилади. Натижада меҳмонхоналар сони 57 тага етади. Белгиланган чоратадбирлар амалга оширилиши билан 20 дан ортиқ янги турдаги туристик хизматлар ташкил қили-

кент халқаро сайёҳлик ярмаркасида доимо фол қатнашиб, Хоразмнинг туристик салоҳиятини кенг намойиш этмоқдалар. Вилоятнинг қадимий обидалари, маданий ёдгорликлари, бетакорр табиатини тарғиб қилишда, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда ушбу ярмарка алоҳида ўрин тутмоқда.



мақсадида [www.visitxorezm.uz](http://www.visitxorezm.uz) сайти яратилган.

Сайёҳларга янги сайёҳлик йўналишлари тақдим қилиш мақсадида хозир тарихчи ва археолог олимлар билан ҳамкорликда «Антик Хоразм» сайёҳлик йўналиши ишлаб чиқилди. Бу йўналиш вилоятдаги Ҳазорасп қалъаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли ҳамда Эҳликқалъа туманларидаги ўнлаб қадимий қалъа ёдгорликларини ўз ичига олади.

Шунингдек, Хива туманидаги қадимий «Боғишамол» ёзги боғида меҳмонлар ташриф буюриши учун мўлжалланган маскан яратилди. Мазкур тумандаги «Чодира боғ», «Хива қорақўл» фермер хўжалиқлари, «Манаоравот кўли, Богот туманидаги Қалъажик қалъа, Урганч туманидаги «Улли ҳавли» объектларида сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Янгибозор, Богот, Шовот, Урганч туманларида, Амударё бўйларида экотуризм ривожлантириляпти.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Реклама ва эълонлар

## Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этади.

### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- «Мустақил диёр» — муддати 2 ой.
- «Хумо» — муддати 2—6 ой.
- «Истиқлол» — муддати 6 ой.
- «Мураббий» — муддати 5 ой.
- «Ният» — муддати 1 йилдан 5 йилгача.



ХОРИЖИЙ  
ВАЛЮТАДА:  
«Стимул» —  
муддати  
1 — 3 ой.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 150-76-53, 150-39-93.

[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 5 декабрь кuni соат 14.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич очиқ тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Хамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, А.Х. Эркабоевга қарашли, қурилиш майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги қурилиш тугалланмаган хусусий банк бино-ишоотлари.  
Бошлангич баҳоси — 32 488 167 сўм.

2. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Хамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, А.Х. Эркабоевга қарашли, қурилиш майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги қурилиш тугалланмаган хусусий банк бино-ишоотлари.  
Бошлангич баҳоси — 151 372 280 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 2 декабрь кuni соат 17.00 да тўхтатилади.

2013 йил 15 ноябрь кuni соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни топшириш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:  
Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 22-уй.  
Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+998990) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

## Ҳам фойдади, ҳам шифобахш

Янтоқ юртимизнинг барча ҳудудларида усишини ҳамма билади. Аммо ушбу усимликнинг шифобахш хусусиятлари Эҳликқалъа кўпчилиги билмас керак.

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Масалан, унинг устки қисми каротин, сапонин, флавоноид, органик кислоталар, қанд сингари дармондориларга жуда бой. Илдиизи таркибидан эса гликозид, алколоид, қатрон ва бошқа моддалар мавжуд.

Халқ табиатида, асосан, унинг илдииздан тайёрланган қайнатма бавосил (геморрой) хасталигида фойдаланилади. Янтоқ дамламаси, шунингдек, жигар касаллиги, ошқозон-ичак ярасида наф беради. Шираси

ташналикни қондиришда ёрдам берса, баргидан олинган ёр ревматизмини даволашда қўл келади. Янтоқ илдииздан қайнатма тайёрлаш учун идишга 300 мл. қайноқ сув солиб, унга бир ош қошиқ майдаланган илдиз солинади ва яна 15 дақиқа қайнатади. Икки соат мобайнида тиндирилган сув доки ёрдамида сузиб олинган, бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади.

Мирзамир  
МИРЗАШАРИПОВ,  
доришунос.



## «Қибрай»

клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган шифохонадир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайди.

Шифохонада фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қўлайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал пархез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.  
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.  
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мулоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Алишер Санабасович Султановга онаси Людмила Николаевна ГОРБОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети маъмурияти Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Нейматжон Ҳаттабовга волида муқтарамаси Хурсанд ҲАТТАБОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — О. Файзиев.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.